



ИИБ АКАДЕМИЯ КУРСАНТЛАРИНИ ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИГА ЎРГАТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИ

Юллиев Н. Ж.

*ИИБ Академияси Жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедра
катта ўқитувчиси*

Tayansh so‘zlar: қутқарув йўриқномаси, ҳаракатланиш режаси, доимий ҳамкорлик, курсантларни қутқарув ишларига ўргатиш, интерфаол усуллар, фавқулодда вазиятлар, олдини олиш, профилактикани амалга ошириш.

Ключевые слова: инструкция по спасению, план движения, постоянное сотрудничество, обучение курсантов спасательной работе, интерактивные методы, чрезвычайные ситуации, профилактика, профилактические меры.

Key words: rescue instructions, movement plan, constant cooperation, training cadets in rescue work, interactive methods, emergency situations, prevention, preventive measures.

Асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш бўлган Ички ишлар вазирлигининг ходимлари фавқулодда вазиятлар содир бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш ишларида иштирок этишади. Шундай экан ИИБ Академияси курсантларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўқитиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда ўқитиш усули танланганда қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг қуйидаги асосий принциплари ҳисобга олиниши керак:

- қонунийлик;
- инсонпарварлик ва меҳр-мурувват;
- фавқулодда вазиятлар рўй берганда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларининг устуворлиги;
- фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда асосли таваккалчилик ва хавфсизлигини таъминлаши;
- қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларга яқка-бошчилик асосида раҳбарлик қилиш;

- фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг доимий шайлиги.

Курсантларни тайёрлашда уларнинг келажакда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга жалб қилинишлари мумкинлигидан келиб чиқиб, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг асосий вазифаларини ўргатиш лозим:

- ўз бошқарув органлари, кучлари ва қутқарув воситаларининг фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;
- фавқулодда вазиятлар шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш.

Курсантларни тайёрлашда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга тайёрлаш соҳасида ўтказиладиган ўқув машқларини Ички ишлар вазирлиги тизимида ўтказиладиган ўқув машқлари билан ҳамоҳанглигини таъминлашга қаратилган ўқитиш ишларини олиб бориш керак. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ўқув машқлари ўтказилади:

комплекс ўқув машқлари – объектлар раҳбарларини, қутқарув тузилмалари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари аъзоларини, улар таркибига кирмаган ишчи ва хизматчиларини, ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатмаган ҳолда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича комплекс тадбирларни бажаришга тайёрлашнинг асосий шакли;

қўмондонлик-штаб ўқув машқлари – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг барча даражалардаги раҳбарларини ва бошқарув органларини фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилишга ҳамда фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлашнинг олий шакли;

махсус-тактик ўқув машқлари - қутқарув тузилмалари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларини қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа



ишларни бажаришга ҳамда фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлашнинг асосий ва самарали шакли;

объект ўқув машғулотлари – объектлар раҳбарлари, кутқарув тузилмалари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари, шунингдек, тузилмалар таркибига кирмаган ишчи ва хизматчиларга фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича назарий тайёрлашнинг асосий шакли.

ИИВ Академияси курсантларини кутқарув ишларига ўргатишда интерфаол усулларга алоҳида эътибор берилиши ва бунда қуйидагилар устувор бўлиши лозим:

таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;

таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;

илгари орттирилган билимларнинг ҳам эътиборга олинishi;

таълим жараёни таълим олувчининг мақсад ва эҳтиёжларига мувофиқлаштирилиши;

таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;

амалда бажариш орқали ўрганилиши;

Интерфаол методлар деганда – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди.

Ҳозирги кунда энг оммавий интерфаол таълим методлари қуйидагилар саналади:

1. Интерфаол таълим стратегиялари. “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротастия”, “Юмалоқланган қор” Интерфаол таълим методлари таркибидан интерфаол таълим стратегияларини ажратишда гуруҳ ишини ташкил қилишга ёндашув маълум маънода стратегик ёндашувга қиёсланишига асосланилади. Аслида бу стратегиялар ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ.

2. Интерфаол график органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Констептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Т-жадвал”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” Интерфаол график органайзерларни ажратишда бундай машғулотларда асосий фикрлар турли график шаклларда ёзма кўринишда ифодаланишига асосланилади. Аслида бу график органайзерлар билан ишлаш ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ.



Интерфаол таълим методларини кўпинча турли шакллардаги ўқув машғулоти тури технологиялари билан бир вақтда қўлланмоқда. Бу методларни қўллаш машғулоти иштирокчиларининг фаолликларини ошириб, таълим самарадорлигини яхшилашга хизмат қилади. Юқорида таснифланган ҳар бир интерфаол усуллар курсантлар учун ҳам амалий ҳам назарий кўникмаларни шакллантиради. Ҳар бир интерфаол усуллардан кўзланган мақсад ҳам турличадир. Интерфаол усулларни қутқарув ишига мослаб ўтказишимиз орқали “График дизайнер” интерфаол усулида қутқарув ишида ким нима иш қилиш керак ва қандай қилиб деган саволларга жавоб топилади. Ушбу интерфаол усулда слайд, графика, амалий видеолар ва кўргазмалар суратлар орқали курсантларда visual хотира шаклланади. “Ақлий ҳужум” интерфаол усулида эса қутқарув ишига оид назарий мисолларни саволлар тарикасида бериб, қутқарув ҳолати бўлганда курсантлар ўйлаб жамоавий ёки индивидуал жавоб берадилар. “Зинама-зина” интерфаол усулида курсантлар қутқарув ишларида босқичма-босқич ҳам амалий ҳам назарий саволлар берилиб, ўқитилган билимлар мустақамланади. “Ижодий иш” интерфаол ишида курсантлар савол-жавоб ҳамда беллашувлар якунида курсантларга ижодий ишлар вазифа қилиб берилади, қутқарув ишига оид амалий ишлар таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, роллик ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Қутқарув ишларини ташкил қилишда ҳам курсантларни кичик гуруҳларга бўлиб мусобақа тарзида амалга оширилса қутқарув ишларида казусли вазиятда нима қилиш кераклиги ҳақида масалар асосида олиб борилади.

Интерфаол метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асосида, ҳамжихдтлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчи-талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Ўқитишнинг интерфаол усулларини танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.



Интерфаол методлар яна шуниси билан аҳамиятлики, ўқитувчи талабанинг фикрини ҳеч қачон кескин рад этмайди, фақатгина вақти билан тўғри хулосани айтиб кетади. Натижада курсант хатосини ўзи тушуниб етади. Бу эса уларни тушқунликка тушиш, фикрлашда тормозланиш каби хатоларнинг олдини олади. Интерфаол методлар ўқитувчи ва курсант ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланади. Ўқитувчи қандай бўлмасин курсант) нинг фикрини тинглайди ва ҳурмат билан қарашини билдиради. Шу билан курсантларни бир-бирларини тинглашга ўргатади. Қўшимчалар “сизнинг фикрингизга қўшилган ҳолда қўшимча қиламиз”, “бизнинг ҳам баъзи фикрларимиз бор” каби сўзлар орқали билдирилади. Бундай тарзда ташкил этилган дарсда курсант ўзини ҳурмат қилаётганини сезади. Бундай шароитда ҳеч қандай тайзиксиз эркин фикрлай бошлайди ва уни очик баён эта олади. Шу билан биргаликда у бошқаларни ҳурмат қилишга ўрганади. Интерфаол методлар талабаларда доимий фаолликни таъминлайди. Талабалар дарс давомида бўш қолмайдилар, улар тегишли мавзуга оид бирор муаммо билан банд бўладилар. Натижада курсантлар дарсдан ташқари нарсалар билан шуғулланмайди. Интерфаол методлардан фойдаланишда ўқитувчи энг аввало, дарснинг технологик лойиҳасини тузиб олиш лозим. Дарсни технологик лойиҳалаш учун эса ўқитувчи интерфаол метод стратегиялари ва усуллари билан таниш бўлиши керак. Ўқитиш усулларига эса қуйида кўрсатилган муайян талаблар қўйилади:

- ўқув материални ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган йўли мустақил қарашлар, иродавий хусусиятлари ва ҳулқнинг шаклланишига олиб бориши керак;

- ўқитиш методининг илмий асоси яққол ва ариқ бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи мазкур метод орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини кўра олади;

- ўқитишнинг онглилик ва фаоллик тамойилига жиддий эътибор қаратиш керак. Ҳар қандай методдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун у қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билиш тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини талаб этади. Ниҳоят метод мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда, у қўйилган мақсад яроқсизлигини ёки бу ҳолатда уни умуман нотўғри қўлланилганлигини эътироф этиш лозим.

Ҳозирда таълим жараёнида курсантларни билим олишлари билан биргаликда уларни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш талаб қилинмоқда. Зеро мустақил фикрга эга бўлган ёшлар ватанни севади, она табиатга онг-



ли муносабатда бўлади, келажакка умид билан қарайди. Ушбу фазилатларни курсантларда таркиб топтиришда интерфаол методлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва курсант ўртасидаги таълимий ва тарбиявий ишларни шакллантириш кўникмаси шунингдек, ижодий қобилиятларни ҳосил қилишда тренинглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 декабрдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуни
2. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқуллода вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби тўғрисида Низом (ЎЗР ВМ 05.01.2010 й. 2-сон қарорига)
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1. I.Nigmatov, M.Tojiyev.Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. Darslik –Т 2011.
2. В. А. Немтинов. Ю. В. Немтинова. Ж. Е. Зимнухова —Прогнозирование чрезвычайных ситуватсий Москва 2014 г. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 6 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 | SJIF: 5,7 | UIF: 6,1 252 June, 2022 https://t.me/ares_uz Multidisciplinary Scientific Journal
3. Sh.Nazarov, A.Ne‘matov, R. Qobulov, N. Mardonova, —Ma‘lumotlar bazasil Toshkent-2007 C200, B 34-71.
4. А. М. Яхёхўжаева, Н. С.Саидхўжаева. Замонавий шароитларда фавқуллода вазиятларда бoшқариш ва режалаштириш тамойиллари ва усуллари. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 2 | 2022 ISSN: 2181-1385
7. www.fvv.uz
8. Akadmvd.uz
9. <https://chat.openai.com/qutqaruv-ishlarida-oid-zamonaviy-mexanizmlar>
10. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 у., 6-son, 70-modda 166
11. Alibekov, D., & Abduraqibova, D. (2023). Ta‘lim tizimining strategik rivojlanishida innovatsiyalarning ahamiyati. Журнал Педагогикки и психологгии в современном образовании, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7730>

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada IIV Akademiyasi kursantlarining favqulodda vaziyatlar (yong‘in, suv toshqini, tabiiy ofatlar va boshqalar) bo‘lganda tezkor harakatlanish hamda ushbu sohaga ma‘sul shaxslar yordami bilan hamkorlikda harakatlanish hamda qutqaruv ishlarini to‘g‘ri olib borish uchun o‘quv qo‘llanmalar, nazariy va amaliy ko‘nikmalar haqida so‘z boradi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрены учебные пособия, теоретические и практические навыки подготовки курсантов Академии МВД к быстрому передвижению в условиях чрезвычайных ситуаций (пожар, наводнение, стихийные бедствия и т.п.).

SUMMARY

This article discusses teaching aids, theoretical and practical skills in preparing cadets of the Academy of the Ministry of Internal Affairs for rapid movement in emergency situations (fire, flood, natural disasters, etc.).